ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

“КЕЛИШИЛГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги хузуридаги
Интеллектуал мулк
агентлиги директори

_____ Т. Абдусатторов

2020 йил “___” май

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори

_____ А. Рахматов

2020 йил “___” май

“Патент вакилларининг малакасини ошириш”

ўқув курси бўйича

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(малака ошириш)

ТОШКЕНТ

Ўқув дастури Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил 18 майдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (5-сонли баённома).

Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил "24" январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари"га асосланиб тайёрланган.

Тузувчилар: 1. Юристлар малакасини ошириш маркази директори **А. Рахматов**;
2. Қонунчилик техникаси ва коррупцияга қарши экспертиза кафедраси мудири, ю.ф.д., профессор **Б. Тошев**;
3. Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Ш. Хасанов**.

Тақризчилар: 1. Юристлар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари ю.ф.д., профессор **А.А. Отажонов**;
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги бўлим бошлиғи **А.А. Юлдашов**.

© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2020 йил

СЎЗ БОШИ

“Патент вакилларининг малакасини ошириш” ўқув курси бўйича Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги патент вакилларининг малакасини оширишга мўлжалланган.

“Патент вакилларининг малакасини ошириш” ўқув курсининг **мақсади:** юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларнинг интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасидаги назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш ва янгилаш, улар касбий тайёргарлигининг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

Ўқув курсининг долзарблиги. “Патент вакилларининг малакасини ошириш” ўқув курси малака оширувчи тингловчиларнинг профессионал даражасининг доимий ўсишини таъминловчи, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасидаги назарий ва амалий билимлар, кўникмалар ва тажрибаларни тизимли тўлдириш ҳамда чуқурлаштириш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишига замин яратади.

Тингловчилар контингенти – ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги патент вакилларининг малакасини оширишга мўлжалланган.

Дастлабки талаблар: тингловчилар олий маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўқув курсининг ҳажми: малакаси оширишнинг муддати 144 соат этиб белгиланади ва ишдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Ўқитиш шакли: тўғридан-тўғри малака ошириш ёки масофавий таълим.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:

Умумий малака талаблари

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя килиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

юридик муаммоларни холислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Касбий малака талаблари

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охирги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий мухофазаси ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, ушбу соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро шартномаларни тузиш орқали йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни ўтказишда иштирок этиш;

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантира олишга оид билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

ИЗОҲ ХАТИ

Дастур мазмунининг янгилиги: Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил 24 январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сон “Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 декабрдаги “Патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-мҳ-сон буйруғида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3209) белгиланган талаблар мажмуига мос келади.

Дастурнинг концептуал ғояси: тингловчи хизмат фаолиятида интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза олиш ва уни амалга ошириш масалалари бўйича вакиллик қилишга тайёр бўлиши лозим.

Ўқув дастури мазмунини белгилаш тамойиллари: интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза олиш ва уни амалга ошириш масалалари бўйича вакиллик қилиш.

Қонунчиликдаги янгиликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг долзарб масалалари Буюртмачи ташкилот билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Ишчи ўқув дастури орқали ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми: ўқув курсини ўрганиш учун **144 соат** ажратилган, шундан: маъруза учун – 42 соат, семинар учун –

34 соат, амалий машғулотларга – 20 соат ва иш ўрганиш амалиёти учун – 36 соат; якуний имтиҳон учун 12 соат ажратилган.

“Патент вакилларининг малакасини ошириш” ўқув курсидан
МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

№	Машғулотларнинг мавзуси	Жами ўқув соатлари	Шу жумладан,		
			Маъруза	Семинар	Амалий машғулот
1-БЛОК. АУДИТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ					
1-Модуль. Интеллектуал мулк соҳасида қабул қилинаётган янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охирги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари					
1.	Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар ва уларнинг мазмуни ва моҳияти	**2**	2	-	-
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4505-сон қарорининг мазмун ва моҳияти	**2**	2	-	-
3.	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январь “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти	**2**	2	-	-
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони мазмуни ва моҳияти	**2**	2	-	-
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168-сон қарорининг мазмун-моҳияти	**2**	2	-	-
6.	Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар	**2**	2	-	-
2-Модуль. Интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари					

7.	Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонунчилик тизими ва асослари	**2**	2	-	-
8.	Интеллектуал мулк ҳуқуқи тушунчаси, объектлари ва таркибий қисмлари	**2**	2	-	-
9.	Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ	**2**	-	2	-
10.	Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси: патентлаштириш тизими	**2**	-	2	-
11.	Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг ҳуқуқий муҳофазаси	**4**	2	2	-
12.	Интеллектуал мулк соҳасидаги давлат бошқаруви ва инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш	**2**	2	-	-
13.	Апелляция кенгашининг ҳуқуқий мақоми ва ишларни кўриш тартиби	**2**	2	-	-
14.	Патент вакиллари фаолияти ҳамда интеллектуал мулк объектларини чет элда муҳофазасини таъминлашда патент вакилларининг тутган ўрни	**2**	-	2	-
3-Модуль. Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси, уни бошқариш ва интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти					
15.	Интеграл микросхемалар топологияси ва компьютер технологиялари учун яратилган дастурларнинг ҳуқуқий муҳофазаси	**2**		2	
16.	Ихтиро ва фойдали моделга патент олишга талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари	**2**			2
17.	Саноат намуналарининг ҳуқуқий муҳофазаси.	**2**		2	
18.	Селекция ютуқларининг ҳуқуқий муҳофазаси	**2**		2	
19.	Саноат мулки объектлари муҳофазасида муддатлар	**2**		2	
20.	Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари	**2**			2
21.	Ишлаб чиқариш сири (ноу-хау) ва фирма номлари муҳофазасининг ўзига хос жиҳатлари	**2**		2	
22.	Телекоммуникациялар тармоғида муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш чоралари	**2**			2
23.	Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномалари, шунингдек ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномалар	**4**	2	2	
24.	Патент ҳужжатлари маълумотлар базалари ва патент фонди	**2**			2
25.	Интеллектуал мулк агентлигининг расмий нашрларида БИМТ стандартларини қўллаш.	**2**		2	

26.	Интеллектуал мулкни баҳолаш ва бошқариш	**2**			2
27.	Патент божларига умумий тавсиф	**2**	2		
28.	Давлат маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш масалалари	**2**		2	
29.	Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва технологиялар трансфери усуллари	**2**			2
30.	Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) ва товар келиб чиққан жой номларининг ҳуқуқий муҳофазаси	**2**		2	
31.	Ноҳалол рақобат муҳитида товар белгилари муҳофазаси	**2**		2	
4-Модуль. Интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари					
32.	Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномалари	**2**	2		
33.	Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид универсал халқаро-ҳуқуқий актлар тизими	**4**	2	2	
34.	Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро шартнома ва битимларнинг мазмун-моҳияти	**2**	2		
35.	Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартнома ва битимлар	**2**		2	
36.	Ихтиро ва фойдали моделларни чет элда патентлаштириш тартиби. e-PCT тизимининг моҳияти	**2**	2		
37.	Мадрид битимига баённома асосида товар белгисини чет элда рўйхатдан ўтказиш	**2**		2	
38.	Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро доирада ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг иштироки	**2**	2		
5-Модуль. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни ҳал қилиш масалалари					
39.	Интеллектуал мулк соҳасига қарши жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тавсифи ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик асослари	**2**	2		
40.	Фуқаролик ва иқтисодий судларда интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни кўриб чиқиш тартиби ва суд амалиёти	**2**			2
41.	Маъмурий ва жиноят ишлари бўйича судларда интеллектуал мулк соҳасига оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тартиби ва суд амалиёти	**2**			2
42.	Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги низоларни халқаро доирада ҳал этиш масалалари	**2**	2		

43.	Жамият этикаси ва аҳлоқий чегаралар. Муомала маданиятининг асосий жиҳатлари	**2**	2		
44.	Иш фаолиятида юзага келиши эҳтимол бўлган низоли холатлар: салбий кайфият, стресс, аффект, фрустрация, касбий куйиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш	**2**			2
45.	Низоли вазиятлар, вақтни бошқариш ва иш жараёнини самарали ташкил этиш. Низоларни ҳал этишнинг самарали усуллари	**2**			2
46.	Жами аудитория соатлари	**96**	42	34	20
2-БЛОК. ИШ ЎРГАНИШ АМАЛИЁТИ					
47.	Интеллектуал мулк агентлигида амалиёт	**36**			**36**
48.	Якуний синов	**12**			**12**
	ЖАМИ	**144**	**42**	**34**	**74**

ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

1-БЛОК. АУДИТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

1-Модуль. Интеллектуал мулк соҳасида қабул қилинаётган янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охирги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари

1-Мавзу. Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар ва уларнинг мазмуни ва моҳияти

Мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислоҳотлар, давлатни модернизация қилиш. Маъмурий ислоҳотлар. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ислоҳ қилиш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти. 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга ошириладиган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикасида адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга оид қарашлари ва ташаббусларининг ҳуқуқий асослари.

2-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4505-сон қарорининг мазмун ва моҳияти

Давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги амалга оширилиши лозимлиги. Ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлақонли ижро этиш давлат бошқаруви органларининг устувор вазифаси. Норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш самарадорлигини аниқлаш. Ҳуқуқий мониторинг ва ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси. Ҳуқуқий мониторинг бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ваколатлари ва вазифалари. Ҳуқуқий мониторинг бўйича Давлат бошқаруви органларининг вазифалари. Ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисобот. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга киритилган қўшимчалар.

3-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январь "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари. Маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидалари. Маъмурий иш юритиш. Маъмурий ҳужжат. Маъмурий шикоят бўйича иш юритиш. Ижро ишини юритиш. Маъмурий регламентлар ва маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

4-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сон Фармони мазмуни ва моҳияти

Давлат фуқаролик хизмати. Давлат фуқаролик хизмати реестри, давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш. Давлат фуқаролик хизматининг устувор йўналишлари, меритократия, меритократия механизмлари, меритократия тамойили мақсади. Карьера модели ва унинг турлари. "Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги".

5-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги "Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4168-сон қарорининг мазмун-моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги. Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар ҳақидаги маълумотларни расмий веб-сайтига жойлаштириш. Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир мутлақ ҳуқуқ, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши.

Патент вакилларининг аттестацияси ва малака оширишлари. Қонун талаблари бузилган ҳолда берилган товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш. Интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни ўз

вақтида аниқлаш ва олдини олиш. Интеллектуал мулк объектларининг ягона ва доимий янгиланиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базаси. Интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси".

6-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги ПҚ–4168-сон ва 2019 йил 1 июлдаги ПҚ–4380-сон қарорлари мазмун-моҳияти. Мазкур қарорлар натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аҳамияти. Адлия органларига берилган ваколатлар.

2-Модуль. Интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

7-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонунчилик тизими ва асослари

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид назарий қарашлар. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг қонунчилик асослари. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг тизими.

8-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқи тушунчаси, объектлари ва таркибий қисмлари

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг вужудга келиш тарихи. Интеллектуал мулк объектларининг таснифи ва турлари. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўйиладиган талаблар.

9-Мавзу. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг ҳуқуқий муҳофазасининг аҳамияти ва халқаро тажриба.

10-Мавзу. Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси: патентлаштириш тизими

Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси учун талабномани тўлдириш ва топшириш тартиби. Интеллектуал мулк объектларининг формал ва расмий экспертизасини ташкил этиш тартиби. Патент кооперацияси битими орқали хорижий мамлакатларда ихтироларни рўйхатдан ўтказишнинг аҳамияти.

11-Мавзу. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг ҳуқуқий муҳофазаси

Муаллифлик ҳуқуқининг вужудга келиши. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектлари. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг мақоми. Муаллифлар ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқлари. Ҳуқуқларни

учинчи шахсларга ўтказиш тартиби ва унда қўлланадиган воситалар. Ўзбекистон Республикасида муаллифларнинг мулкий ҳуқуқларини бошқариш.

12-Мавзу. Интеллектуал мулк соҳасидаги давлат бошқаруви ва инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда давлат органларининг иштироки. Интеллектуал мулк ҳуқуқини давлат томонидан бошқариш. Интеллектуал мулк объекларини иннновацион фаолиятга тадбиқ этиш. Инновацион фаолият асосларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш.

13-Мавзу. Апелляция кенгашининг ҳуқуқий мақоми ва ишларни кўриш тартиби

Апелляция кенгашига ариза шикоятларини топшириш тартиби ва ўзига хосликлари. Ишларни кўриш тартиби ва муддатлари.

14-Мавзу. Патент вакиллари фаолияти ҳамда интеллектуал мулк объектларини чет элда муҳофазасини таъминлашда патент вакилларининг тутган ўрни

Патент вакилларини аттестация ва рўйхатдан ўтказиш тартиби. Патент вакилларининг ихтисослашуви ва унинг аҳамияти.

3-Модуль. Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси, уни бошқариш ва интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти

15-Мавзу. Интеграл микросхемалар топологияси ва компьютер технологиялари учун яратилган дастурларнинг ҳуқуқий муҳофазаси

Интеграл микросхемалар топологияси тушунчаси ва мақоми. Компьютер технологиялари учун яратилган дастурларнинг ҳуқуқий муҳофазаси. Компьютер технологиялари учун яратилган дастурлар муаллифларининг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш. Интеграл микросхемалар топологияси ва Компьютер технологиялари учун яратилган дастурларни ҳимоя қилишга оид миллий ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таснифи.

16-Мавзу. Ихтиро ва фойдали моделга патент олишга талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари

Ихтиро ва фойдали моделга патент олишга талабнома тузишнинг умумий қоидалари. Ихтиро ва фойдали моделга патент олишга талабномани расмийлаштириш тартиби. Дастлабки (формал) ва давлат илмий техник экспертизаси тушунчаси.

17-Мавзу. Саноат намуналарининг ҳуқуқий муҳофазаси.

Саноат намуналарининг турлари; таснифи; патент қидирув ишларини ўтказиш. Саноат намунасига муҳофаза олиш учун талабнома тўлдириш ва топшириш тартиби.

Саноат намунасини муҳофаза муддати ва унинг муаллифлик ҳуқуқи объектлари билан ўзаро кесишуви.

18-Мавзу. Селекция ютуқларининг ҳуқуқий муҳофазаси

Селекция ютуғига патент бериш тартиби. Ўсимликларнинг янги навларини муҳофазаси бўйича халқаро конвенция (УПОВ).

19-Мавзу. Саноат мулки объектлари муҳофазасида муддатлар

Муҳофаза муддатлари. Муддатларни ўтказиб юбориш оқибатлари. Муддатларни тиклаш тартиби.

20-Мавзу. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари,

Товар белгисини рўйхатга олиш учун талабнома тузиш. Талабнома топшириш тартиби. Товар ва белгиларнинг халқаро таснифи. Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум белгиларга ҳуқуқий муҳофаза олиш.

21-Мавзу. Ишлаб чиқариш сири (ноу-хау) ва фирма номлари муҳофазасининг ўзига хос жиҳатлари

Ишлаб чиқариш сири (ноу-хау), индивидуаллаштириш воситаларига (товар, товар келиб чиққан жой, хизмат кўрсатиш) бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш. Ноу-хаунинг ҳуқуқий муҳофазасининг таъминлаш тартиби ва асослари. Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуни.

22-Мавзу. Телекоммуникациялар тармоғида муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш чоралари

Интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи. Лицензияланган дастурий маҳсулотлар. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг "интернет шартномалари".

23-Мавзу. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномалари, шунингдек ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномалар

Шартномалар таснифи, мазмуни, лицензия шартномларининг турлари. Лицензия шартномалари ва ҳуқуқларни бериш шартномаларининг ҳуқуқий ва иқтисодий моҳияти.

24-Мавзу. Патент ҳужжатлари маълумотлар базалари ва патент фонди

Патент қидирувларининг турлари ва операцион тузилмаси. Интернетдан фойдаланилган ҳолда маълумотлар базаларида патент-ахборот қидируви. Интеллектуал мулк агентлиги, СМФИ (ФИПС), ЕПИ, ЕОПТ, АҚШ ва Япония маълумотлар базаларидаа патент-маълумот қидируви. Патент-ахборот қидируви.

Маълумотлар базаси. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотлар базалари. Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятида ахборот технологияларидан фойдланиш даражаси.

25-Мавзу. Интеллектуал мулк агентлигининг расмий нашрларида БИМТ стандартларини қўллаш.

Патент фондини шакллантириш ва юритиш тартиби. Расмий бюллетен ва ахборотномларнинг аҳамияти. Интеллектуал мулк агентлигининг патент фонди ва кутубхонаси

26-Мавзу. Интеллектуал мулкни баҳолаш ва бошқариш

Интеллектуал мулкни баҳолаш. Интеллектуал мулк объектларининг нархини баҳолаш усуллари. Интеллектуал мулкни баҳолаш тартиби. Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар

27-Мавзу. Патент божларига умумий тавсиф

Патент божлари тўлашнинг умумий жиҳатлари. Интеллектуал мулк муҳофазасида патент божларининг тутган ўрни.

28-Мавзу. Давлат маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш масалалари

Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва баҳолаш масалалари. Давлат маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тартиби.

29-Мавзу. Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва технологиялар трансфери усуллари

Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришнинг миллий ва халқаро амалиёти. Инновацион фаолият ва технологиялар трансфери. Интеллектуал мулк объектларини бошқариш тамойиллари. Интеллектуал мулк объектларини хўжалик муомаласига киритиш масалалари.

30-Мавзу. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) ва товар келиб чиққан жой номларининг ҳуқуқий муҳофазаси

Товар белгиларини рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш. Ҳаммага маълум товар белгиси. Товар белгисини хорижий мамлакатларда муҳофазасини таъминлаш.

31-Мавзу. Ноҳалол рақобат муҳитида товар белгилари муҳофазаси

Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги қонуни мазмуни. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг товар белгилари муҳофазасини таъминлашдаги ўрни.

4-Модуль. Интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари

32-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномалари

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномалари. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар. Европа иттифоқи билан кенгайтирилган ҳамкорлик битимининг аҳамияти.

33-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид универсал халқаро-ҳуқуқий актлар тизими

Халқаро ташкилотларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари. Саноат намуналарининг ҳуқуқий муҳофазасига оид универсал халқаро-ҳуқуқий шартномалар. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид универсал халқаро-ҳуқуқий шартномалар.

34-Мавзу. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро шартнома ва битимларнинг мазмун-моҳияти

Адабий ва санъат асарлари тўғрисидаги Берн шартномаси, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг “интернет шартномалари”. Аудиовизуал асарлар тўғрисидаги Пекин шартномаси.

35-Мавзу. Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартнома ва битимлар

Саноат намунасини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Париж конвенцияси. Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома. Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битими.

36-Мавзу. Ихтиро ва фойдали моделларни чет элда патентлаштириш тартиби. e-PCT тизимининг моҳияти

Патент маълумотлари: патент ҳужжатларини аниқлаш, уларнинг турлари ва хусусиятлари ва стандартлаш; патент идораларининг расмий нашрлари ва уларнинг тизими; патент маълумотларидан фойдаланиш; электрон патент-маълумот ресурслари ва маълумотлар базалари; патент-маълумот таъминоти. e-PCT тизими.

37-Мавзу. Мадрид битимига баённома асосида товар белгисини чет элда рўйхатдан ўтказиш

Товар белгисини хорижда муҳофаза қилиш тартиби. Мадрид тизимининг аҳамияти. Патент вакилларининг хорижда товар белгисига талабнома топшириш билан боғлиқ ҳаракатлари.

38-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро доирада ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг иштироки

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг соҳага оид халқаро универсал ҳужжатларнинг маъмурий бошқаруви. Жаҳон савдо ташкилотининг интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги иштироки. ЮНЕСКОнинг интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашдаги иштироки.

5-Модуль. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни ҳал қилиш масалалари

39-Мавзу. Интеллектуал мулк соҳасига қарши жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тавсифи ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик асослари

Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖК 149-модда) жиноятининг тавсифи ва жавобгарлик асослари. Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш (МЖтК 177-модда), Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш (МЖтК 177^1-модда), Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш (МЖтК 177^2-модда) маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тавсифи ва жавобгарлик асослари.

40-Мавзу. Фуқаролик ва иқтисодий судларда интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни кўриб чиқиш тартиби ва суд амалиёти

Интеллектуал мулк соҳасида низоларни ҳал қилиш ва ҳуқуқларни Судларда интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни ҳал қилиш. ҳимоя қилиш. Ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фуқаролиқ-ҳуқуқий усуллари. Медиацияни қўллаш ва унинг тартиби.

41-Мавзу. Маъмурий ва жиноят ишлари бўйича судларда интеллектуал мулк соҳасига оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тартиби ва суд амалиёти

Интеллектуал мулк соҳасига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича аризаларни бериш тартиби. Маъмурий ишлар бўйича судларда интеллектуал мулк соҳасига оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тартиби. Интеллектуал мулк соҳасига жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида зарар етказилганда ариза бериш тартиби, асослари ва ариза бериладиган органлар. Ариза шакли ва мазмуни. Жиноят ишлари бўйича терговда жабрланувчи сифатида иштирок этиш. Судларда интеллектуал мулк соҳасига оид жиноятларни кўриб чиқиш тартиби.

42-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги низоларни халқаро доирада ҳал этиш масалалари

БИМТ медиация ва арбитраж маркази. Домен номлари соҳасидаги низоларни ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари

43-Мавзу. Жамият этикаси ва аҳлоқий чегаралар. Муомала маданиятининг асосий жиҳатлари

Жамият ва жамият этикаси тушунчаси ва моҳияти. Этикет. Маданият. Муомала маданияти. Аҳлоқий маданият. Касбий этика. Мулоқот, мурожаат, сўзлаш санъати, тинглаш маданияти. Патент ваикллари ходимлари этикаси.

44-Мавзу. Иш фаолиятида юзага келиши эҳтимол бўлган низоли холатлар: салбий кайфият, стресс, аффект, фрустрация, касбий куйиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш

Шахснинг ҳиссий-иродавий ҳолатлари. Мотив. Мотивация. Ҳиссий иродавий ҳолатлар шакллари. Хиссиёт, эмоция, стресс, аффект, фрустрация. Шахс хислатларини аниқлаш. Шахс психодиагностикаси. Кадрни танлаш ва жой-жойига қўйиш. Шахснинг ҳиссий-иродавий ҳолатаридан самарали фойдаланиш. Шахс ва шахслараро муносабатлар психологияси. Психологик алоқа ўрнатиш. Психологик алоқа усуллари ва механизмлари. Психологик тўсиқлар. Психологик ҳимоя механизмлари.

45-Мавзу. Низоли вазиятлар, вақтни бошқариш ва иш жараёнини самарали ташкил этиш. Низоларни ҳал этишнинг самарали усуллари

Шахслараро муносабатларнинг юзага келиши ва ривожланиши. Ўзаро идрок механизмлари. Шахслараро муносабатларнинг ўига хос хусусиятлари, моҳияти, мазмуни. Низо ва унинг турлари. Зиддият ва унинг турлари. Шахснинг ҳиссий зўриқишли ҳолатлари. Стресс ҳолатлари ва уларни бошқариш. Шахснинг ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи баҳолаш, ўзини-ўзи руҳий енгиллаштириш.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ўқув дастури малака ошириш курси бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва ҳ.к. ўтилишини назарда тутади. Барча турдаги машғулотлар тренинг шаклда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Маърузаларда кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг патент вакиллари фаолиятидаги амалий аҳамияти очиб берилади ва мазкур ўқув курси бўйича мавзуий режада назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилади.

Семинарлар давомида тингловчилар ўқув курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга ва патент вакиллари фаолиятини амалга ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак. Барча мавзулар бўйича семинар машғулотлари – тренинг шаклида ташкил этилади.

Амалий машғулотлар давомида тингловчилар патент вакиллари фаолиятининг асосий касбий йўналишларига оид тегишли ҳаракатларни бажара олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим ва улар бўйича фикр юритиш мақсадида амалий топшириқларни бажарадилар. Амалий топшириқларини бажаришда тингловчилар тегишли амалдаги қонун нормаларига, амалий тажрибаси ва ўқув курси давомида олган билимларга таяниб, уларни асослаб бажаришлари керак.

Тингловчиларнинг патент вакиллари касбий йўналишларига оид амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигида ва унинг ҳудудий бўлимларида 1 ҳафталик амалиёт (стажировка) ташкил қилинади.

Ўқув курсини ўзлаштиришда тингловчилар Марказ Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда мавжуд материаллар: дарслик, монография, ўқув қўлланма, илмий мақолалар, фонд маърузалари ва бошқа материаллардан фойдаланишлари мумкин.

Тасдиқланган навбатчилик жадвалига мувофиқ кафедралар профессор-ўқитувчилари тингловчиларга маслаҳатлар бериб борадилар.

Ўқув дастурида тингловчиларнинг дастурни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида якуний синов назарда тутилган.

Ўқув дастурини ўзлаштириш ва таълим жараёнларини таъминлашга мўлжалланган ўқув ва ўқув-методик материаллар.

Ўқув материаллари:

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва ўқув курси бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

мультимедиа материаллари (слайдлар, презентациялар ва ҳ.к.).

Ўқув-методик материаллар:

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масофавий топшириқлар;

амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва ҳ.к.).

Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминот:

шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;

“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xlsx”, “mp3” ва бошқа ҳ.к. форматдаги файллар билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;

мультимедиа қурилмаси, экран ёки смарт-телевизор.

АТТЕСТАЦИЯ ШАКЛИ

Якуний синов имтиҳони тингловчилар асосий касбий фаолияти йўналишлари ҳамда малака ошириш курси ўқув дастурига асосан ўтилган мавзулар бўйича икки босқичда ташкил қилинади:

биринчи босқич – тест, иккинчи босқич – суҳбатдан ўтказиш.

БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Патент вакилларининг малакасини ошириш” ўқув курсидан якуний синов имтиҳони (тест ва суҳбатдан ўтказиш) ўтказиш методикаси ва уларни қабул қилиш

учун топшириқ ва саволларни назарда тутувчи, тингловчиларда жавоб варақалари мавжуд бўлиши белгилаб қўйилган методик материаллар.

АХБОРОТ ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 692 б.

Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. – 508 б.

Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2019. – 400 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 янв.

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрь "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрдаги "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири).

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июль "Медиация тўғрисида"ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр – Т.: "Адолат", 2018.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Расмий нашр – Т.: "Адолат", 2018.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида"ги ПФ-5037-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5185-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5278-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрель "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3666-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПҚ-3662-сон "Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5415-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тўғрисида"ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги "Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4168-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида"ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил июлдаги ПҚ-4380-сонли "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 841-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 31 майдаги "Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 150-ум-сон буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 233-ум-буйруғи.

Асосий адабиётлар:

Тошев Б.Н., Калметов Б.Д., Назаров Б.П. Образовательный потенциал и интеллектуальная собственность Узбекистана. Брошюра. – Т., ДИДАФ. 1994.

Тошев Б.Н. Авторское право. Монография. – Т., 1997.

Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи. Монография. – Т., 1997,

Тошев Б.Н. Муаллиф ва қонун. Рисола. – Т., 2000.

Тошев Б.Н. Всемирная торговая организация и авторское право. Брошюра. – Т., 2000.

Тошев Б.Н., Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва бошқалар. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Дарслик. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи. – Т., 2002.

Тошев Б.Н. Авторский договор. Брошюра. – Т.,2003.

Тошев Б.Н. Ахборот технологиялари ва муаллифлик ҳуқуқи. Рисола. – Т., 2004.

Тошев Б.Н., Насриев И.И. Муаллифнинг номулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш. Монография. – Т., 2006.

Тошев Б.Н. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. Монография. – Т., 2007.

Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи. Дарслик. – Т., 2011.

Тошев Б.Н., Убайдуллаев З.А. Жаҳон савдо ташкилоти ҳуқуқий актларига кўра халқаро савдо битимларининг моҳияти. Ўқув қўлланма. – Т., 2011.

Тошев Б.Н., Худайбердиева Г.А. Муаллифлик ҳуқуқи тизимида турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма. – Т., 2013.

Тошев Б.Н. Сборник казусов по праву интеллектуальной собственности. Методическое пособие. – Т., 2013.

Тошев Б.Н., Убайдуллаев З.А. Интеллектуал мулк объектларининг тижоратлашуви ва технологиялар трансферининг ҳуқуқий асослари. Монография. – Т., 2015. -148 б.

Тошев Б.Н., Эркинова Л.Э. Международный коммерческий арбитраж. Учебное пособие. – Т., 2016. – С.158.

Тошев Б.Н., Набиев Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси. Ўқув қўлланма. – Т., 2019. – 194 б.

Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг такомиллаштириш истиқболлари. – Т., – 38 б.

Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. – Т.,2006. –164 б.

Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. Дарслик. – Т., 2003. – 292 б.

Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004.

Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. – Т., 2005. - 40 б.

Имомов Н.Ф. Селекция ютуқлари бўйича муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т., 2006. – 145 б.

Насриев И.И. Муаллифлар шахсий ҳуқуқларини муҳофазалаш. – Т., 2003. – 184 б.

Ғафуров А.Б. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари. Монография. – Т., 2017. –184 б.

Шокомолов Қ. Патентшунослик. Дарслик. – Т.: ТДТУ, 2003.

Қўшимча адабиётлар:

Гаврилов Д.А. Правовая защита от недобросовестной конкуренции в сфере исключительных прав на средства индивидуализации и иные объекты промышленной собственности: монография. – М., 2014. - 192 с.

Патентное законодательство государств - участников Содружества Независимых Государств : Сб. док. / Рос. агентство по пат. и товар. знакам. Информ.-издат. центр; [Сост.: Л. И. Подшибихин, Н. В. Бузова]. – М., 2002. – 337 с.

Конов Ю.Н. Патентно-лицензионные стратегии. Учебное пособие/Ю.П.Конов, Л.П.Гончаренко. – М., 2011. 286 с.

Патентное право. Учебное пособие для студентов, обучающихся по специальности «Юриспруденция» / Н.М. Коршунов, Н.Д. Эриашвили, Ю.С. Харитонова; под ред. Н.М. Коршунова. – М., 2012. – 159 с.

Сергеев А.П. Патентное право. – М., 1994. – 202 с.

Одилқориев Х.Т; Тошев Б.Н. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий жиҳатлари / Ўқув қўлланма. –Т., 2019.

Одилқориев Х.Т. Давлат ҳокимияти: моҳияти, функцияси ва замонавий талқини. – Т, 2015.

Маматов Х.Т. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари. – Т; 2011.

Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномлар тўплами. О.Сулайманов, – Т., 2017.

Ғафуров А.Б., Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. – Т., 2012. - 296 б.

Зенин И. А. Право интеллектуальной собственности: учебник для магистров / И. А. Зенин. – М.: Юрайт, 2012. – 567 с.

Ишков, А.Д. Промышленная собственность. Проведение патентных исследований [Электронный ресурс]: справочник / А.Д.Ишков, А.В.Степанова. — Электрон. Дан. – М., 2013. – 132 с.

Волков В.В. Патентная пошлина как разновидность фискального сбора.// Право и экономика. №8. 2008.

Права на товарный знак: монография / Д.В.Афанасьев, А.С.Ворожевич,

В.В.Голофаев и др.; отв. Ред. Л.А. Новоселова. – М., 2016. – 144 с.

Гаврилов Э.П. В патентном праве – новизна, в авторском – оригинальность. // Патенты и лицензии. №12. 2007.

Интернет сайтлари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали: www.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: http:// lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: www.senate.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайти www.ksu.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти: www.supcourt.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти: www.mvd.uz

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайти: genprok.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинг институти сайти: www.imal.uz.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.nhrc.uz.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.uz

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий Университети сайти: http: //www.nuu.uz

Тошкент Давлат Юридик Университети сайти: http: //www.tsul.uz.

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда босма ҳамда электрон шаклда сақланади.

“Патент вакилларининг малакасини ошириш”
ўқув курси бўйича

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Муҳаррир: Х.Муминов

Босишга руҳсат этилди. 2020 йил “ ” май
Бичими . Буюртма № .
ЮМОМда чоп этилди. Адади нусха.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристларни малакасини ошириш маркази нашриёти,
100052, Тошкент шаҳри, Катта Дарҳон кўчаси, 6